



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY
VA O'RTA MAXSUS TA'LIM
VAZIRLIGI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INNOVATSION RIVOJLANISH
VAZIRLIGI

**“БАШАРИЯТ МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШИ ВА
ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА АЛИШЕР НАВОИЙ
МЕРОСИНING АҲАМИЯТИ”**

мавзусидаги республика онлайн

илмий-амалий анжумани

МАТЕРИАЛЛАРИ



*Alisher
Navoiy*

580

**5 январь 2021 йил
Бухоро**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

**“БАШАРИЯТ МАЪНАВИЙ
ЮКСАЛИШИ ВА ЁШЛАР
ТАРБИЯСИДА АЛИШЕР НАВОИЙ
МЕРОСИНИНГ АҲАМИЯТИ”**

мавзуидаги республика онлайн илмий-амалий конференция

МАТЕРИАЛЛАРИ

2021 йил 5 январь. Бухоро

Туш кўриш, таъбир қилиш табиий жараён, бироқ у бадиий асарда, фольклор намунасида бирор-бир вазифа бажармаса, бевосита фольклоршунослик, умуман, адабиётшунослик объекти бўла олмайди¹.

Навоий “Мажолис ун-нафоис” асарининг 4 мажлисида шундай дейилади. “Рустам – Абулқосим Фирдавсий “Шоҳнома”сидаги қаҳрамон, Эрон фольклоридаги машҳур образ. Ўрта ва яқин Шарқ халқларида ҳам шуҳрат қозонган. Рустам халқпарвар, Ватанни севувчи, мардлик ва шижоатда бемисл паҳлавондир. Унинг номи кейинчалик қаҳрамонлик рамзига айланиб кетган. Рустамнинг дунёга келиши ва унга исм қўйилиши ҳақида Фирдавсий шундай ҳикоя қилади: Золнинг хотини Рудоба ҳомилани ғоят оғир кўтаради. Ой-куни яқинлашганда дард бошланиши билан ҳушидан кетади. Саросимага тушган Зол афсонавий қуш Симуруғ ёрдами билан жарроҳ топиб келади. Жарроҳ онанинг ёнини кесиб, болани олади. Ҳушига келган Рудоба ёнида ғоят бўйлик болани кўриб, хурсан ҳолда “Рустам!” дейди. Форсийда бу сўз азобу дарддан халос бўлдим, деган маънони англатади. Онанинг оғзидан чиққан ана шу биринчи сўзни ўғилга исм қилиб қўядилар. Навоий бу ерда Ҳусайн Бойқаронинг муруватлиги ва баҳодирлигини Рустамга қиёс қилади².

Алишер Навоий асарларида қўлланилган фольклоршуносликка оид терминлар, маросим ва удумлар ўзбек фольклори ва ёзма адабиётидаги ўзаро боғлиқликни илмий тадқиқ этишда кенг имкониятлар очади.

НАВОИЙ ҒАЗАЛЛАРИДАГИ МИФОНИМЛАРНИНГ АСЛИЯТ ВА ТАРЖИМАДА БЕРИЛИШИ

Ўраева Дармоной

БухДУ профессори, филология фанлари доктори

Назарова Гулбахор

БухДУ ўқитувчиси

Улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий ижодида мифологик образлар талқини ўша давр поэтик анъанасига мувофиқ кўпроқ тасаввуфий тушунча ва қарашларни бадиий ифодалаш учун хизмат қилган. Шунинг учун уларни ифодаловчи мифонимлар ҳам шоир ижодида алоҳида ўрин тутади.

Мутафаккир шоир Алишер Навоий ижодида пари кўпинча гўзал маъшуқа, дев ёки аждаҳо нафс, Хизр тириклик сувини етказувчи ҳомий куч, шайтон йўлдан оздирувчи, Азроил жон олувчи, фаришталар поклик, бало – мусибат ва офат ёғдирувчи тимсолларида қўлланиб келади. Айниқса, пари образи Навоийнинг ишқий ғазалларида маъшуқанинг беҳад гўзаллигини муболағали тасвир этиш мақсадида кўп қўлланигани кузатилади. Чунки ибтидоий инсонларнинг эзгу ва ёвуз руҳларга ишончи

¹Ж.Эшонкул.Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадиий талқини. – Тошкент: ЎзРФА “Фан” нашриёти, 2011. –10 б.

²А.Навоий. Мажолис ун – нафоис. [WWW. ziyouz. com](http://WWW.ziyouz.com)Кутубхонаси. – 173 б .

билан боғлиқ анимистик тасаввур-тушунчалари асосида келиб чиққан пари образи одамларга ҳомий ёки зарар етказувчи қиёфасида тасвирланишидан фойдаланган шоир уни жабр етказувчи ҳамда хушни эгалловчи сифатида талқин этади. Қолаверса, халқда парига учраган киши ақлу хушидан айрилиб телбага, жин чалган жиннига, дев урган девонага айланиб қолади, деган ишонч ҳам мавжуд. Бу ҳақдаги халқона қарашларга таяниб, Навоий ёзади:

Ки, эй **мажнун, пари** кўрдунг магарким тарки хуш эттинг,
Такаллум қил, бу соғарни ичиб, рафъи ҳижоб айлаб. (47-б).

Эътиборли томони шундаки, Алишер Навоийнинг яна шу руҳда ёзилган “Кўргали ҳуснунгни зору...” деб бошланувчи жуда машҳур ғазали рус ва инглиз тилларига таржима қилинган. У “Хазойин ул-маоний” куллиётининг “Ғаройиб ус-сиғар” девонида 16-ғазал сифатида келтирилгани маълум. Ғазал аслияти қуйидагича ўқилади:

Кўргали ҳуснунгни зору мубтало бўлдум санго,
Не **балолиғ** кун эдиким ошно бўлдум санго.
Ҳар неча дедимки, кун-кундин узай сендин кўнгул,
Ваҳки, кун-кундин батаррак мубтало бўлдум санго.
Мен қачон дедим: вафо қилғил манго, зулм айладинг,
Сен қачон дединг: фидо бўлғил манго, бўлдум санго.
Қай **пари пайкар**га дерсен: телба бўлдунг бу сифат,
Эй **пари пайкар**, не қилсангқил манго, бўлдум санго.
Эй кўнгул, тарки насиҳат айладим, аввора бўл,
Юз бало етмаски, мен ҳам **бир бало** бўлдум санго.
Жоми Жам бирла **Хизр суйи** насибимдур мудом,
Соқиё, то тарки жоҳ айлаб гадо бўлдум санго.
Гусса чангидин навое топмадим ушшоқ аро,
То Навоийдек асиру бенаво бўлдум санго.

Ушбу ғазалда қўлланиб келган **бало, пари, пари пайкар, Жоми Жам, Хизр суйи** каби сўз ва бирикмалар, аввало, мифологик моҳият касб этиши билан таносиб санъатини вужудга келтирган. Бу сўзлар Николай Лебедев томонидан амалга оширилган русча таржимада қуйидагича ифода этилган:

Я красу твою увидел и плененным стал тобой,
В грустный день я стал влюбленным, огорченным стал тобой.
Дни идут, но нет отрады, нет надежды на тебя;
С каждым днем люблю сильнее, покоренным стал тобой.
Я сказал: “Будь верной другу”, – ты жестокою была,
Ты сказала: “Жертвой будешь”, – я сраженным стал тобой.
Пери! Обо мне подумай, стал я жертвой для тебя,
Стал в тебя навек влюбленным, изумленным стал тобой.
Мало мне ста злых страданий, **сотни бед** за то, что я
Стал **бедой себе одною**, опьяненным стал тобой.

Ты – бокал с водою жизни, ты навек моя судьба,
Где мой сан? Я стал, как нищий, покоренным стал тобой.
Лютню горя меж влюбленных не находит Навои,
Словно он, я стал плененным, огорченным стал тобой.

Кўриняптики, ғазалнинг русча таржимасида “Не балолиғ кун” – грустный день, яъни оғир кун, “юз бало” – сотни бед, “бир бало” – бедой себе одною, яъни фалокат маъноларида, “пари” – пери кўринишида таржима қилинган. Аслиятда пари пайкар бирикмаси икки ўринда келтирилган бўлса-да, таржимада у бир ўринда сақланган. Яна у бирикма кўринишида эмас, сўз кўринишида берилган. Ғазалда талмеҳ санъати сифатида келтирилган Жамшид, Хизр сингари мифоантропонимлар эса тушириб қолдирилган. Демак, бу билан ғазалнинг бадииятига қисман зарар етказилган. Яна улар билан боғлиқ тушунчалар “бокал с водою жизни” кўринишида кўшиб берилганини ҳам оқлаб бўлмайди. Чунки Жоми Жам – Жамшид (қадимги Эрон ҳукмдори)нинг жоми, Хизр суйи эса Хизр (оби ҳаётни ичган пайғамбар) суви, тириклик суви каби алоҳида маъноларни ифодалашга хизмат қилади.

Ушбу ғазални олим ва мутаржим Носиржон Қамбаров таглама таржима кўринишида инглиз тилига қуйидагича ўгирган:

Wanting to see you once I fell in love with you,
What a day it was when I saw you.
I tried to give it up every day
But I was used to you day to day.
When I asked you to be loyal to me,
You tortured me, but when you asked me
To sacrifice myself, I sacrificed myself for you.
You ask me which **peri-faced** beloved
I fell with love like a mad,
O my **peri-faced** beloved,
I agree to your torture so much
As you are whom I fell in love with.
Oh my soul, I would not listen to anybody around me,
And you also spared time.
Would not **onehundred problems** enough for you
And I was **one more problem** for you.
In order to have Jamshid's goblet and Hizr's life-giving water,
Oh cupbearer, I will give up everything to be a hermite.
I could not find love's sad tune for a beloved like you as Navoi did.

Ушбу таржимани кузатиб, ғазалнинг инглизча таржимаси унинг русча таржимасига нисбатан аслиятга анча яқин ўгирилган, деган хулосага келиш мумкин. Тўғри, унда ҳам айрим камчиликлар бор. Масалан, “Не балолиғ кун” бирикмаси “What a day” – “қандай кун” шаклида сўроқ мазмунида ўгирилгани учун унда “бало” тушунчасининг моҳияти

сақланмаган. “Пари пайкар” изофали бирикмаси жуфт сўз кўринишида “peri-faced” тарзида худди аслиятдагидек икки мисрада кетма-кет берилган. Бунда “пайкар” сўзи “faced” сўзи билан берилиши орқали унга хос “сурат, ҳайкал, қомат” маъносини сақлаб қолиш кўзда тутилган. “Юз бало” – “one hundred problems”, “бир бало” – “one more problem” кўринишида ўгирилиши натижасида “бало” тушунчаси “муаммо” тушунчасини англлатмоқда. Ҳолбуки, “бало” ҳам мифологик тимсоллардан биридир. Шунингдек, “Жоми Жам” – “Jamshid’s goblet”, “Хизр суйи” эса “Hizr’s life-giving water” кўринишида транслитерация усулида аслиятга мувофиқ адекват ўгирилган. Натижада ғазал аслиятига хос талмеҳ санъати сақлаб қолинган. Шу тариқа уларнинг аслиятдаги мифологик мазмун-моҳияти ҳам сақланиб қолган.

Ғазалнинг Жамшид жоми ва Хизр суви билан боғлиқ воқеаларга ишора қилувчи байти улар ҳақидаги мифологик афсоналар сюжетини ёдга солади. Афсона қилишларича, қадимги Эрон шоҳи Жамшид майни ихтиро қилгандан сўнг ҳакиму донишмандларга бир жом яшашни буюрибди. Бу жомнинг ўзига хос хусусияти бўлиб, унга май қуйилса, бутун олам унда акс этар ва Жамшид оламдаги воқеа-ҳодисаларни шу жом орқали кўриб турар экан. “Хизр суви” бирикмаси эса барча халқларнинг ер остидаги зулмат оламида оби ҳаёт булоғи, яъни абадий ҳаёт, тириклик суви мавжудлиги ҳақидаги афсоналарга бориб тақалади. Шу сувдан Хизр ичиб, абадий ҳаётга эришганлиги айтилади. Навоий ана шу афсона ва афсонавий образлар талқинига таяниб, оламлар сарвари Яратганнинг ҳар қандай мўъжизаларига ишониш, уни севиш кераклигини уқтиради. Кимки, унинг ишқи йўлига кирмаса, ҳақиқий ошиққа айланмаса, мақсадига эришиши душвор эканлигини таъкидлайди.

Ушбу ғазални Дилнавоз Юсупова насрий баён билан шарҳлар экан, унда қўлланган мифонимлар бор сатрларни “Сенга ошно бўлган куним қандай балолик кун экан?”, “Қайси пари суратли ёрга бу тарзда девоналарча ошиқ бўлдинг деб сўрайсан. Эй пари суратли ёрим, манга ҳар қанча жабру ситам қилсанг ҳам розиман, чунки севиб, ошиқ бўлганим бу сенсан”, “Юз бало етмасмидики, мен ҳам сенга яна бир бало бўлдим”, “Жамшиднинг жоми ва Хизрнинг оби ҳаёт суви менга насиб бўлиши учун, эй соқий, молу дунёдан кечиб, энди дарвешлик йўлига кирман” тарзида изоҳлаган. Д.Юсуаова “пари пайкар” бирикмасини “пари суратли ёр” кўринишида шарҳлаган.

Хулоса қилиб айтганда, ошиқона мавзуда яратилган ушбу ғазал ошиқ ва маъшуқанинг диалогига асосланган бўлиб, бунда ошиқнинг телбаларча ҳолатга тушиб қолишига бир пари пайкар сабаб бўлгани айтилади. Лекин ошиқнинг ўзи бу девоналикка рози эканлиги учун унга маломат қилинмайди. Зеро, мумтоз шеърятда “пари” ва “девона” ёки “пари” ва “телба” жуфтлиги тез-тез кўзга ташланадиган лирик тасвир бўлиб, у

орқали аслида оллоҳ мўъжизаларига ишонч, унинг илоҳий тажаллиси ҳақидаги тушунчалар илгари сурилади.

Адабиётлар:

1. Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – 432 б.

2. Навоий А. Ғаройиб ус-сиғар // Навоий А. МАТ. 20 томлик. 3-том. – Т.: Фан, 1988. – 616 б.

3. Навоий Алишер. Кўргали хуснунгни зору... / Жаҳон адабиёти. Адабий-бадий, ижтимоий-публицистик журнал. – № 4. – 2016, апрель. – Б.3-6.

ALISHER NAVOIY – ILM HOMIYSI

Hikmatova Nigina,

Xorijiy tillar fakulteti, 1-kurs magistranti, BuxDU

Sharqshunoslik ilmida XV-XVI asr adabiy muhiti haqida gap ketganda, albatta, buyuk shoir va mutafakkir Alisher Navoiy haqida mulohaza yuritiladi. Chunki bu buyuk shaxsning, nafaqat o‘zbek adabiyoti, balki umumbashariy madaniyat taraqqiyotiga, jahon adabiyoti xazinasiga behisob hissa qo‘shganliklarini butun dunyo ahli e’tirof etib keladi. Xususan, Alisher Navoiy ijodini o‘rganish nafaqat O‘zbekistonda, balki dunyoning ko‘plab sharqshunos olimlari tomonidan uzoq yillardan beri tadqiq etib kelinmoqda. U haqida behisob asarlar yaratilganligi ham bejiz emas. Xalqimiz o‘zining bunday buyuk farzandiga ehtiromini izhor etish, uning nomini yanada abadiylashtirish yo‘lida ko‘p amaliy ishlarni ro‘yobga chiqarmoqda. Bunga har birimiz guvoh bo‘lib turibmiz. Xususan, Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev bu ulug‘ inson haqida quyidagilargni aytadi: “Mutafakkir shoirimizning “Odamiy ersang, demagil odami, Onikim, yo‘q xalq g‘amidin g‘ami”, degan satrlarida qanchalik chuqur ma‘no bor. Ya‘ni, bu dunyoda insonlarning dard-u tashvishlarini o‘ylab yashash – odamiylikning eng oliy me‘zonidir. Xalqning g‘amidan uzoq bo‘lgan insonni odam qatoriga qo‘shib bo‘lmaydi, deb uqtirmoqda ulug‘ bobomiz”. [1.112] Xususan, jamiyatda farovonlik va me‘morchilikka juda katta e’tibor qaratib, davlat tomonidan o‘n olti ko‘prik, yigirmaga yaqin suv saqlash inshooti, ellik ikki rabot va ko‘pgina madrasa, masjid xonaqoh va hammomlar bino qurdirganligi to‘g‘risida tarixchi Xondamir o‘z asarida keltirgan. Ularning orasida Hirotdagi “Ixlosiya”, “Nizomiya” madrasalari, “Xalosiya” xonaqohi, “Shifoiya” tibgohi, Qur‘on tilovat qiluvchilarga mo‘ljallangan “Dor ul-huffoz” binosi, Marvdagi “Xusraviya” madrasasi Mashhaddagi “Dor ul- huffoz” singari xayriya binolari va boshqa ko‘pgina noyob me‘morlik yodgorliklari bor. [2. 211] Madrasalarda ilm izlab kelgan faqirlarga ilm o‘rgatishda homiylik qilgan. Alisher Navoiy xalqqa in‘om va xayr- saxovat ko‘rsatish maqsadida o‘zining shaxsiy mulki hisobidan to‘rt madrasa, yigirma beshdan ziyod masjid-xonaqoh

МУНДАРИЖА

Зарипов Ботир Комилович. Алишер Навоий ижоди – бебаҳо маънавий мерос	3
Хамидов Обиджон Хафизович. Навоийдан мадад олиб, учинчи ренессанс сари	4
Ибрагимова Феруза Бахадировна. Навоий – юксак ғоялар тарғиботчиси....	6

1-шўъба. АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ НАЗМИЙ МЕРОСИ.....	9
Иброҳим ҲАҚҚУЛ. НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИДА КАСБИ КАМОЛ ҒОЯСИ ВА ТАЛҚИНИ.....	9
Zilola Amonova, Lobar Shokirova. “LAYLI VA MAJNUN” DOSTONIDA MUNOJOT TALQINI.....	12
Odiljon Avaznazarov. “FARHOD VA SHIRIN”DA YO‘LOVCHI OBRAZI VA BADI‘Y TUSH ALOQADORLIGI.....	15
Yunus Azimov. “XIRADNOMAI ISKANDARIY” VA “SADDI ISKANDARIY” DOSTONLARINING MUQADDIMAVIY BOBLARI BORASIDA AYRIM MULOHAZALAR	18
Назора Бекова. ШОИРНИНГ ИККИ ТИЛДАГИ ШЕЪРИЯТИДА МАВЗУ, ҒОЯЛАР ТАЛҚИНИ ҲАМДА ШАКЛИЙ УНСУРЛАРДАГИ УЙҒУНЛИК ВА МУШТАРАКЛИК	21
Manzura Boltayeva. ALISHER NAVOIYNING PEYZAJ YARATISH MANORATI	27
Гудзина Виктория Анатольевна. ТЕМА ПОЭТА В ЛИРИКЕ НАВОИ И ЗУЛЬФИИ	30
Гулова Аноргул, Абдуллаева Феруза. АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ НАЗМИЙ АСАРЛАРИ – БУЮК МАЪНАВИЙ САРЧАШМА	33
D.V.Dadajonova. ALISHER NAVOIY RUBOIYLARIDA BADI‘Y SAN`ATLAR	37
София Джумаева. ЛИРИК ҚАҲРАМОН: ҲОЛАТ ВА ТАСВИР	39
Иботова Мадина. МАҚОМИНГГА ЕТАЙИН ДЕБ НАВОИЙ АЙЛАР САЙР... ..	42
Mahliyo Ibroimova. “SITTAI ZARURIYA”NING YARATILISH TARIXI....	45
Ismoilova Xumora. “DEVONI FONIY”DA ILOHIY-ISLOMIY QARASHLARINING BADI‘Y-G‘OYAVIY TALQINI.....	48
Ҳ.Ў. Каримов. АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА МАЙ ВА МАСТЛИК РАМЗИ	51
Ҳ.Р.Латипов, З.А. Носирова. ОРИФЛАР НАФСШУНОСЛАРДИР	54
Mulloqulova Zebiniso. HAYRAT UL-ABROR” NIKOYATLARINING HAYRATLARI.....	60
Murodova Gulchehra. “HAYRAT UL ABROR” DOSTONIDAGI SO‘Z TA‘RIFI BOBI NASHRLARINING QIYOSIY TAHLILI.....	63
Шоҳиста Низомова. АЛИШЕР НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИДА СУВ ВА ОЛОВ ОБРАЗИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ.....	66

Сарвиноз Нуруллаева. АЛИШЕР НАВОИЙ ҒАЗАЛЛАРИДА МИФОЛОГИК ҚУШ ОБРАЗИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ	68
G. S.Omarova. M. R. Bozorbayeva. “LAYLI VA MAJNUN” DOSTONIDA MUALLIF DADIY NIYATINING IFODALANISHI.....	71
Ражабова Маърифат. САМАНДАР – АБАДИЙ ҲАЁТ ТИМСОЛИ.....	75
Зулайхо Раҳмонова. АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИЁТИДА ТАВБА ТАЛҚИНЛАРИ	79
Sadullayeva Shahlo, Shamsiddinova Sitara. "LISON UT-TAYR" DOSTONIDA HAYRAT VA FAQR-U FANO VODIYLARINI TASVIRLASHDA TAMSILIY NIYOYATNING AHAMIYATI	83
Safarova Shahlola. “SABB’AI SAYYOR” DOSTONI HAMD BOBINING G’OYAVIY –BADIY TAHLILI	87
Hilola Safarova, Mohigul Ismatova. ALISHER NAVOIYNING “FARHOD VA SHIRIN” DOSTONIDA OBRAZ YARATISH MAHORATI.....	92
Sayliyeva Zarina. “HIRIY JON, BADANDIR XUROSON ANGA...”	94
G. Sayidova. ALISHER NAVOIY ASARLARIDAGI O‘XSHATISHLARNING TASNIFI.....	97
H. H. Тешаев. АЛИШЕР НАВОИЙ ФАЛСАФАСИДА ИНСОН МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИ.....	100
Xudoyorova Nigora. NAVOIY NAZMINING JILOLARI	103
Д.К. Эргашева. ПОЭТИЧЕСКОЕ НАСЛЕДИЕ АЛИШЕРА НАВОИ	106
Ergasheva Naima. ALISHER NAVOIY G’AZALLARIDA TANOSUB SAN’ATI	110
Хусниддин Эшонкулов. МАЪШУҚА ВА ОШИҚ ҲОЛИГА ХОС ИСТИОРАЛАШГАН ЭПИТЕТЛАРИНИНГ ҚОФИЯЛАНИШИ.....	112
G. Sh.Qobilova. “SAB’AI SAYYOR” DOSTONINING ILMIY-TANQIDIY MATNINI YARATISHDA ASOS BO’LGAN MANBALAR.....	115
Дилрабо Қувватова, Зарнигор Соҳибова. АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ОҒАҲИЙ ШЕЪРИЯТИДА БАҲОР ТАСВИРИНИНГ МУШТАРАК ЖИҲАТЛАРИ.....	118
Halimova Shahlo. ALISHER NAVOIY TARJE`BANDLARINING TASVIR MONIYATI	121
Ноҗиёева Нигина. АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДА ТАБИАТ ТАСВИРИ	124
Azimjon Hamidov. ALISHER NAVOIY G’AZALLARI NASHRIDAGI AYRIM TAFOVUTLAR HAQIDA MULOHAZALAR	127
2-шўъба. АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ НАСРИЙ МЕРОСИ	131
Н.Бекова, Ж.Шаропов. «РУҲ УЛ -ҚУДС»ДА ЙИЛ ФАСЛЛАРИ ТАЛҚИНИ.....	131
Gulova Anorgul, Axmadova Farangiz. “MAHBUBUL –QULUB” ASARI – ALISHER NAVOIY NASRIY MEROSINING DURDONASI	134
Саидова Райҳон. “НАСОЙИМ УЛ-МУҲАББАТ”ДА МАЛОМАТ ВА МАЛОМАТИЙЛИК	137

Sodiqova Dilorom. HADISLAR BADIY TALQINIDA NAVOIY VA MISKIN IJODIDAGI UYG`UNLIK	141
Sherxon Qorayev. ALISHER NAVOIY ADABIY MAJLISLARI.....	145
Ғайрат Муродов. ЗАМОНАВИЙ РОМАНДА АЛИШЕР НАВОИЙ СИЙМОСИ.....	149
Шавкат Ҳайитов. КОМИЛ ЖАМИЯТ ВА КОМИЛ ИНСОН ОРЗУСИ....	155

3-шўба. АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ ВА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ..... 161

Маматқул Жўраев. АЛИШЕР НАВОИЙ ҲАҚИДАГИ ХАЛҚ РИВОЯТЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ ТАРИХИГА ДОИР	161
Собит Авезов. НАВОИЙ ИЖОДИДА ФОЛЬКЛОР АНЪАНАЛАРИ.....	168
Арипова Халима. АЛИШЕР НАВОИЙ И УЗБЕКСКИЕ МАКОМЫ	173
Авозорова Лобар. LISHER NAVOIYNING XALQ SAN`ATI VA UNING TURLARIGA DOIR MULOHAZALARI.....	176
Мунис Жўраева. НАВОИЙНИНГ “ФАРҲОД ВА ШИРИН” ДОСТОНИНИНГ ЎЗБЕК ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИГА ТАЪСИРИ	179
Rajabova Ra`no. ALISHER NAVOIY IJODIDA FOLKLOR AN`ANALARI.....	181
Rustamova Gavhar. ALISHER NAVOIY G`AZALLARIDA DARAXTLAR BILAN BOG`LIQ OBRAZLARINING BADIY IFODASI.....	184
Тўраева Лайло. АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДА ДЕҲҚОНЧИЛИККА МУНОСАБАТ ИФОДАСИ	186
Худайкулова Латифа. ФОЛЬКЛОР АСАРЛАРИ СЮЖЕТИДАГИ МОТИВЛАРНИНГ “МАЖОЛИСУН-НАФОИС” ДА АКС ЭТИШИ	188
Ўраева Дармоний, Назарова Гулбахор. НАВОИЙ ҒАЗАЛЛАРИДАГИ МИФОНИМЛАРНИНГ АСЛИЯТ ВА ТАРЖИМАДА БЕРИЛИШИ	191
Nikmatova Nigina. ALISHER NAVOIY – ILM NOMIYSI.....	195
Qalandarov Hamza. ALISHER NAVOIY ASARLARIDA ISLOM TA`LIMOTI VA TASAVVUF G`OYALARI	197
Qilichev R. ALISHER NAVOIY SURATINI SHIZGAN MUSAVVURLAR	200
Шабнам Юсуфзода. “МУҲОКАМАТУЛ-ЛУҒАТАЙН” АСАРИДА “ДЕВОНИ ФОНИЙ” ШАРҲИ	202

4-шўба. АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ТИЛШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ..... 207

М.К.Абузалова, У.Ш.Аҳмадова. НАВОИЙ ШАХСИНИ ИФОДАЛОВЧИ ПЕРИФРАЗЛАР	207
Атоулло Аҳмедов. НАВОИЙ АСАРЛАРИДА АДАБИЙ МЕЪЁР	210
Ёқуб Саидов. «МУҲОКАМАТУЛ-ЛУҒАТАЙН» АСАРИНИНГ ИЛМИЙ-ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ.....	214
Бибиш Жўраева. ЭЛИГА ЎЗЛИГИН ТАНИТГАН ДАҲО	217
Х.А. Арипова, Н.Н. Розикова. АЛИШЕР НАВОИЙ О КУЛЬТУРЕ РЕЧЕВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ	220